

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

З. Т. ТОҲИРОВ

БАДИЙ ИЖОДДА ТАСВИР

Услубий қўлланма

Тошкент- 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕҚ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

З. Т. ТОҲИРОВ

БАДИЙ ИЖОДДА ТАСВИР

*Журналистика йўналишии бакалавриантлари,
«Ноширлик иши ва таҳrir» ихтисослиги магистрантлари учун
матн таҳдили бўйича услубий кўлланма, факультет илмий кенгаши томонидан нашрга
тавсия этилган*

Университет - 2011

З.Т. Тохиров. Бадиий ижодда тасвир. Услубий қўлланма. - Т.: Университет, 2011.
-40 б.

Мазкур услубий қўлланма ўзбек адабий тили услубияти ҳамда матн таҳлили ва таҳрири курсидан бакалавриантлар, магистрантлар ва Олий журналистика курси тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда бадиий матн таҳлили усувларига тўхталиб ўтилган. Ундан филология факультети бакалаврлари, магистрлари, услубият бўйича изланувчилар, соҳа малака оширувчилари, бадиий ижод билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

ф.ф.н., доц. **Л.И.Тошмуҳамедова**
ф.ф.н., доц. **В.А.Каримжонова**

Муҳаррир:

Н.А.Мирзаева

*Қўлланма Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқув йўриги
кенгаси томонидан нашрга тавсия этилган.*

КИРИШ

Бадий нутқни ўрганиш ва таҳлил қилиш фақат филология илмининг муҳим масалаларидан бири бўлибгина қолмай, балки публицистика соҳасининг ҳам долзарб муаммосидир. У адабий тил тараққиёти йўлларини белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тил воситаси бадий асарда фикр-тушунчани ифодаловчи бирлик сифатида чегараланиб қолмайди, балки бадий асар асосини ташкил қилувчи образлиликка хизмат қиласи. Бадий асарнинг мазмуни, ғояси шу образли нутқ туфайли вужудга келиши натижасида асарнинг эстетик моҳияти ошади. Бадий нутқ адабий тилга бевосита таъсир қилиб, тил маданиятининг ўсишини, ривожланиб боришини таъминлаб туради.

Бу, шубҳасиз, бўлажак журналист – бакалаврлар, журналист – магистрларнинг адабий тил услубларидан бири бўлган бадий услугуб билан чуқурроқ танишишларини, матн таҳлилида тилнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланишлик усулларини яхши ўзлаштиришларини тақозо этади.

Шу маънода, мазкур қўлланма бадий нутқни таҳлил этишда бакалавриантларга, магистрантларга ҳамда Олий журналистика курсларининг тингловчиларига услугубий қўлланма бўлади, деган умиддамиз.

Таянч сўз ва бирикмалар

Нутқ, бадиий нутқ, поэтик нутқ, тасвир, таҳлил, таҳрир, матн таҳлили, тасвирий воситалар, лингвистика, образлилик, бадиий услугуб, бадиий асар лексикаси, жанр, сўз санъати, асар тили ва услуби, ўхшатиш, метафора, эпитет, жонлантириш, ўхшатиш конструкцияси, субъект, объект, ўхшатиш форманти, ўхшатиш асоси, ўхшатиш эталони, прагматика, ўхшатишнинг лексик воситаси, ўхшатишнинг грамматик воситаси, эксплицит, имплицит.

БАДИЙ ИЖОД ВА ТАСВИР

Хар бир соҳада ҳар қандай муаммо баҳс ва мунозаралар орқали ечилади, шундай экан, бадий асар тилини ўрганишда ҳам ҳанузгача баҳслар мавжуд.

Бадий нутқга оид умумлаштирувчи назариялар ҳалигача мукаммал тарзда яратилганича йўқ. Лекин шундай бўлса-да, Абдулла қодирий¹, Ойбек²,Faфур Ғулом³, Абдулла қаҳҳор⁴ ва Ҳамид Олимжон⁵ асарларининг бадий нутқини тадқиқ қилишга бағишлиланган илмий ишлар бир қадар мавжуд.

Шуни айтиш керакки, бадий нутқ ҳақидаги илм ҳали ўз чегарасини аниқлаб олган эмас. Бадий нутқни адабиётшунослар ўрганиши керакми, деган савол ҳанузгча баҳсли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Филологиянинг ушбу соҳасига бағишлиланган талайгина асарлар яратилган. Уларда бадий нутқни таҳлил этишнинг турли йўналишдаги мезонлари ҳақида сўз юритилган.

Бадий нутқни ўрганишга катта ҳисса қўшган, шу соҳага оид маҳсус мактабнинг асосчиси, академик В.В.Виноградов бадий асар тилини ўрганишнинг муҳимлиги ҳақида шундай фикр билдирган эди: «Менинг чуқур эътиқодим шуки, бадий адабиёт «тили»ни

¹ Кўчкортоев И.А. Қодирий романларининг тили ҳақида / ТошДУ, 1972, Илмий асарлар тўплами, 472-чиқиши.

² Самадов қ. Ойбекнинг тил маҳорати. –Т.: Фан, 1981.

³ Шукуров И. Faфур Ғуломнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. 4-сон.

⁴ Мирзаев С. «қўшчинор чироқлари» романининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар. –Т.: Фан, 1967.

⁵ Дониёров X., Самадов қ. Ҳамид Олимжоннинг тилдан фойдаланишдаги новаторлиги // Шарқ Юлдузи, 1957. -7-сон.

тилшуносликка ҳам адабиётшуносликка ҳам яқин турган айни вақтда, улардан фарқ қиласынан алохидан филология фани тадқиқ қилиши керак»¹.

Ўзбек филолог олими А.Аҳмедов эса шундай ёзади: «Соғлингвистик аспект» деган қараш бир томонлама қараш бўлиб, унга тўлиқ қўшилиб бўлмайди»².

Юқорида айтилган фикрлардан бадий нутқ тилшуносликда ҳам, адабиётшуносликда ҳам амал қилмайди, деган ғоя келиб чиқмаслиги керак. Чунки: «бадий тил материали тилшунослардан олиб қўйилса, уларнинг ўрганиш обьекти факат шевалар бўлиб қолар, фан тараққиётига салбий таъсир қилган бўлар эди. Адабиёт ҳам бадий нутқ ва услугуб масалаларини тадқиқ этмасдан илмийликка эриша олмайди»³.

Ойбекнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини тадқиқ этган қ. Самадов бадий адабиёт нутқи муаммосига тўхталиб: «Ўзбек филологиясида бадий адабиёт нутқини тадқиқ этишда бир тўхтамга келингани йўқ. Айрим ҳолларда бадий адабиёт тили тушунчаси лингвистик фикрни тасдиқлаш учун келтириладиган мисолларга айлантириб қўйилляп. Тўғри, бадий нутқ ҳақидаги назарий хуносаларни англаш ва мантиқан кучайтиришда мисол бўлиб хизмат қиласынан биридир. Лекин у умумхалқ тилидаги ходисаларнинг қайди, такрорига айланиб қолмаслиги керак. Бадий нутқ – умумфилологик тавсифдаги мустақил соҳа. Бу ҳақдаги гап санъаткорларнинг маҳорати, сўз қўллаш санъати, халқ тилидан фойдаланишдаги ўзига хослиги каби масалаларни мухокама қилиши,

¹ Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М.: Наука, 1999. 34-бет

² Аҳмедов А. Бадий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1960. № 3 46-50-бетлар.

³ Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. –Т.: 1973. 3-4-бет

таҳлил этиши лозим»¹. Бадиий нутқ адабий тил системасининг асосини ташкил этади. Бадиий нутқни умумий ёки лексик жиҳатдан таҳлил этиш унинг ғоясини ва у билан боғлиқ бўлган эмоционал мазмунни ифодаловчи лингвистик воситаларни кўрсатиш демакдир. Демак, бадиий нутқни ўрганиш тасвирий воситалар: метафора, сифатлаш, эпитетларни ёки фақат лингвистик воситаларни ижодкор тасвиrlаган образдан, шунингдек, асарнинг умумий ғоявий мазмунидан ажратган ҳолда рўйхат қилиш эмас, балки биринчи навбатда, тил воситаларининг бадиий асар мазмунини ташкил этувчи борлиқни қанчалик акс эттирганлигини, уларнинг шу мазмунни қанчалик гавдалантира олганлигини ва ўқувчини бу ҳақиқатга қай даражада ишонтира олганлигини кўрсатишдир.

Айрим тадқиқотчилар бадиий асар тилини адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганишни бир-бирига қарама-қарши қўядилар. Шунга мувофиқ бадиий асар тилини ўрганишдаги фан икки хил бўлиши керак: адабиётшунослик стилистикаси ва лингвистик стилистика².

Бу қараш тарафдорларининг фикрича, адабиётшунослик стилистикаси адабиёт назариясининг бир қисми бўлиб, лингвистик стилистикага асосланади ва маълум давр адабиёти, маълум ижодкор ёки маълум асар учун хос бўлган бадиий ифода воситаларини, бадиийликни юзага келтирувчи омилларни ўрганади. Бу нуқтаи назарга асосан, бадиий асарнинг ғоявий-эстетик қиммати тил воситалари ёрдамида эмас, балки шу асарда тасвиrlанган образлар, воқеалар, манзаралар ёрдамида ҳосил қилинади. Бошқача қилиб айтганда, бадиий асарнинг етакчи компоненти шу асарнинг образлар тизимидан ташкил топади. Бу

¹ Самадов қ. Ойбекнинг тил маҳорати. –Т.: Фан, 1981. -3-б.

² Васильева А.Н. Художественная речь. –М.: Русский язык, 1983. 57-б.

қарашга мувофиқ бадиий асарда тил унсурлари бадиий асар таркибида бадиий эстетик функция касб этади. Бу функцияниң моҳияти шу асарда тасвиранган образлар ва воқеаларнинг бадиий эстетик қимматига боғлиқ бўлади.

Ижодкорнинг бадиий маҳорати, санъаткорлиги олға сураётган ғоясини ўқувчиларга етказа олиши билан белгиланади. Бунда асар тили муҳим ўрин эгаллайди. «Ҳақиқатдан, тил ўша ғояни сиқиқ, силлиқ бўлиши, мазмуннинг эса кенг ва чуқур, ҳаётий бўлиши, сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилиши билан характерланади»¹.

Адиб ўз асарида охори тушган иборалардан қочади ва тил устида қунт билан қайта-қайта ишлайди: мана шу ижод-мехнат жараёнида янги-янги тасвирий воситалар вужудга келади.

Адабиёт ва тил бир-бiri учун яшаш негизи эканлигини етук мунаққид О.Шарафуддинов ҳам таъкидлайди, «Адабиёт тилдан бошланади. Рангиз тасвирий санъат, оҳангиз мусиқа бўлмаганидек, тилсиз адабиёт ҳам бўлмайди. Адибнинг ёзувчилик нигоҳи қанчалик ўткир бўлмасин, тафаккур қуввати қанча бақувват бўлмасин инсон табиатининг сиру асроридан ҳар қанча баҳабар бўлмасин қалами ўтмас, услуби тўмтоқ, тили ғализ бўлса, унинг олижаноб ниятлари қоғозда қолиб кетаверади. Ёзувчи одамлар қалбida кечадиган исмсиз туйғуларга ном беради, сўз сехри билан китобхонга таъсир кўрсатиб, унинг фикрий дунёсини, рухий оламини ҳаракатга келтиради»².

Демак, бадиий тил адабиётшунослик ва тилшунослик соҳаларининг озуқа манбаидир. Ўзбек филологиясида бадиий асар тили ва услубини ўрганиш узоқ тарихга эга. Бадиий адабиёт тилини

¹ Шоабдурахмонов Ш. Ойбек романларининг тили // Шарқ юлдузи, 1995. 10-сон.

² Шарафуддинов О. Ҳақиқатга садоқат.-.: Faafur .Fulomномидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -164-б.

ўрганишга бағишенгандын ишларни Б.Умурқұлов «Поэтик нутқ лексикаси»¹ монографиясида умумлаштириб, қуйидагича гурухлаштиради:

1. Бадий адабиёт тилини ўрганишнинг умумий масалаларига доир ишлар.
2. Бадий асар тилини лингвистик аспектда ўрганишга доир ишлар.
3. Адабиётшунослик аспектида ўрганишга доир ишлар.²

Тадқиқотчи бундай гурухлаштиришни қуйидагича шарҳлайди: «биринчи доирадаги тадқиқотлар мақола характерида бўлиб, бадий адабиёт тилини ўрганишнинг назарий масалаларига бағишенганды. Буларда бадий асар тилини ўрганиш йўллари, обьекти хусусида фикрлар баён этилган».³

А.Аҳмедовнинг «Бадий асар тилини ўрганиш ҳақида»⁴ мақоласида бадий асар тилини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Мақола муаллифи бадий асар тилининг таҳлилига бағишенганды бир қатор ишларни таҳлил қилиб, улардаги камчиликларни қайд этар экан, бадий асар лексикасини ўрганишда бадий тил хусусиятларидан келиб чиқиш лозимлигини таъкидлайди. Чунончи, бадий образлиликни кучайтирувчи, кўчма маъноли сўзлар, образли синонимларни, бадий нутқнинг етакчи қисмини ташкил қилувчи бадий услугуга хос сўзлар хусусиятларини ўрганиш, уларнинг нутқ жараёнида бажарган вазифасини кузатиш бадий асар лексикасини ўрганиш учун муҳимлиги қайд этилган.

¹ Умурқұлов Б.Поэтик нутқ лексикаси. -Т.: Фан, 1990. 5-б.

² Умурқұлов Б.Поэтик нутқ лексикаси. -Т.: Фан, 1990. 5-б.

³ Умурқұлов Б. Ўша асар. -Т.: Фан, 1990. 5-б.

⁴ Аҳмедов А. Бадий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1960. №3

Шунингдек, Дониёров X. ва Мирзаев С.ларнинг «Бадий асар тилини ўрганиш масалаларига доир»¹ номли мақоласи ҳам шу масалага бағишиланган. Улар бадий адабиёт тилини ўрганишни аспектларини ажратадилар: «Тилдаги ўсиш – ўзгаришларнинг ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўядиган аспект-лингвистик аспект, ёзувчининг умухалқ тилига муносабати, тил бойликларидан фойдаланиш, ёзувчи маҳорати, услуби ҳақида хулоса чиқарувчи аспект – стилистик аспект»².

Бадий асардан кўзда тутилган мақсад, унда шакл ва мазмун бирлиги, тил ҳалқчиллиги тўғрисида ҳам фикр юритилади. Бунга F. Абдурахмоновнинг «Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида»³ ги тадқиқотини кўрсатиш мумкин.

Ш.Шоабдурахмонов, С.Иброҳимов, Ф.Абдуллаев каби тилшунос олимлар ўзбек адабий тилининг жонли ҳалқ тили асосида майдонга келгани, шеваларнинг аҳамияти ҳақида салмоқли ишлар яратдилар.

Жонли тил ҳалқ ўртасида фаолият кўрсатувчи тилдир. Тилни ҳалқ яратади. Тилни адабий тил ва ҳалқ тили деб ажратишнинг маъноси шуки, санъаткорлар томонидан ишланган ёхуд хали ишланмаган тил бор.

«Проза жанрининг шаклланиши ҳам, ҳалқ тилининг бундаги иштироки ҳам шундай бир тирик, серҳаракат жараёнки, буни тадқиқ этиш – бир-бирига қўшилиб оқаётган дарёларни тадқиқ этиб, бирининг иккинчисига таъсирини ўрганишга ўхшайди»⁴.

¹ Дониёров X. Мирзаев С. Сўз санъати. –Т.: Фан, 1962. -28-б.

² Дониёров X. Мирзаев С. Сўз санъати. –Т.: Фан, 1962. 173-174-бр.

³ Абдурахмонов F. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. –Т.: 1966. 4-б.

⁴ қодиров П. Ҳалқ тили ва реалистик проза. –Т.: Фан, 1973. -7-б.

Бироқ юқоридаги фикрлардан бадий тилни фақат жонли тил белгилайди, деган фикрлардан узоқ бўлиш лозим. Чунки, унда мумтоз адабиётимизнинг ўзига хос анъаналари, нафосати, образлилиги, эмоционаллиги ва бошқа омиллар ҳам иштирок этади.

Адабиёт инсоншунослик бўлганлиги учун ҳам қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси ва уни ўраб турган воқелик билан бирга одамнинг маънавий дунёсини ҳам, психологиясини ҳам ишонарли, таъсирли тарзда ёритиб бериш ижодкорлар олдида турган энг қийин, энг шарафли вазифалардан ҳисобланади.

Инсон мавжуд ҳаёт ҳақидаги энг ҳаққоний тасаввурни ўз сезгилари воситаси билан илғайди. Ҳар бир инсон ўз фикрини, тушунчасини, билимини турфа хил ифодалайди. Бунинг натижасида ғайритабиий ўхшатувлар, жонлантирув, гўзал қиёслар вужудга келади. Ўз навбатида, сизда ҳам сўзлашувчининг иқтидоридан келиб чиқиб, шу нарса ҳақида фикр пайдо бўлади.

Одамда бошқаларнинг туйғусини чукур хис қила билиш, юқтира билиш қобилияти бўлганлиги учун ҳам, -дейди Толстой, - бугун одамзод шу вақтгача бошдан кечирган ҳамма нарсани ҳар бир киши хис қила билиши мумкин. Одам бундан минг йил олдин ўтган кишиларнинг туйғуларини ҳам ҳис қила олиш ва ўз туйғуларини бошқаларга юқтира олиш имкониятига эга.

Ишимиз бевосита «Кеча ва кундуз» романига боғланар экан, шу маънода асар муаллифининг ҳаётига, унинг ижод гулшанига бир нигоҳ ташлашни мақбул, деб ўйлаймиз.

Ўзбек адабиётининг сўнмас юлдузларидан бири, бой маънавий хазинанинг эгаси, етук сўз санъаткори Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон Фарғона вилоятининг Андижон шаҳрида таваллуд топган.

Чўлпон гарчи ўтган асрда қисқа вақт яшаб ижод қилган бўлса ҳам, унинг таваллуд йили аниқ эмас. Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодига оид кўплаб маълумотлардан хабардор бўлган олим Озод Шарафуддинов шундай деб таъкидлайди: «Чўлпоннинг таваллуд йилини 1897 йил деб белгилаш тарафдориман, чунки бу сана 1934 йилда, яъни Чўлпон ҳаётлик вақтида нашр этилган Катта совет қомусининг 61-жилдида келтирилган...»¹

Абдулҳамид Чўлпоннинг бадиий сўз санъатига, адабиётга қизиқиши отаси – Сулаймонқул Юнус ўғли таъсирида бошланган. Чўлпоннинг отаси ҳунарманд, баззоз бўлиши билан бирга «Расво» тахаллуси билан ғазаллар битган шоир ҳамдир. Оку қорани таниган, дунёвий илмларнинг доимий хабардори, илғор фикрлар эгаси Сулаймонқул ўғлининг ўқиши ва тарбиясига катта эътибор қаратади. У ўғлининг зиёли, баркамол инсон, пишиқ ва пухта билим эгаси бўлишини орзу қилган, ҳамда бунинг учун етарлича тадбирлар кўрган.

Абдулҳамид дастлаб эски услубдаги мактабда таҳсил олади, сўнгра Андижон ва Тошкент мадрасаларида таҳсил кўради. Хуллас, бўлажак шоир 16-17 ёшларидаёқ ҳам шарқона, ҳам европача пухта маълумот олган, илғор фикрли зиёли бўлиб етишади. Унинг ўсиб улғайишида, дунёқарашининг шаклланишида, баркамол инсон бўлиб етишувида 1905 йилдан кейинги Туркистонда қулоч ёйган маърифатпарварлик ҳаракати, Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний каби сиймоларнинг асалари катта таъсир ўтказади.

Чўлпоннинг ўзи ҳам 16 ёшдан бошлаб ижод қила бошлаган. Шоир ҳақидаги мақолаларда унинг дастлабки асалари «Садои

¹ Шарафуддинов О.Чўлпон. Яна олдим созимни. –Т.:Faafur .Ғулом номидаги адабиёти ва санъати нашриёти, 1991. 7-6.

Туркистон», «Садои Фарғона» каби маҳаллий газеталарда. Шунингдек, Оренбургда «Шўро» журналида босилгани қайд қилинган.¹

Ўз даврининг илғор ва янги фикрларини кўтариб чиқсан ёзувчи бўронлардан, тиконли симлардан титилиб-титилиб бўлса-да, бизнинг замонгача етиб келди. Халқ ўзи севган талантларни, бой маънавий хазиналарни йўқ бўлиб кетишига йўл қўймайди. қийналиб, яшириб бўлса ҳам олисларга етказади. Биз сўз юритаётган адиб – Чўлпон ҳам халқнинг севимли фарзанди эди. У яратган маънавий хазина ғоявий-бадиий юксак, илмий пишиқ, кўп қиррали, ранг-баранг, камолотга ундовчи, қудрат ва ибрат тимсоли Чўлпоннинг ҳар бир асари у хоҳ публицистик, хоҳ бадиий асар бўлсин, унда халқи учун қайғуриш руҳи, Туркистоннинг истиқболи тўғрисида мулоҳаза юритиш барқ уриб туради. жумладан, «Адабиёт недур» номли мақоласида шундай ёzádi: «Хеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танимизга сув ва ҳаво нақадар зарур бўлса, майшат йўлида ҳар хил қора кирлар ила хираланган руҳимиз учун шул қадар адабиёт керакдур. Адабиёт яшаса, миллат яшар: адабиёти гулламаган ва адабиётининг тараққийсига қайғурмаган, адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан фикран маҳрум қолиб, секин-секин инқирозга юз тутмоғи аниқдур. Бундай миллат келажаги ҳақида сўз айтмоқ душвор. Буни инкор қилиб бўлмас»². Бундан ташқари, Чўлпоннинг театр санъатига оид мақолалари ҳам диққатга сазовор. Театр ҳаётининг ҳар бир бурчагида кўриниш бериб, қимматли ишлар олиб боради. Адабий эмакдош сифатида театрга келган асарларни таҳrir қиласи, айрим

¹ Эшонова З. Чўлпон шеъриятининг ғоявий-бадиий хусусиятлари / Номзодлик дис. –Т.: 1991.

² Хасанов М., Аҳмедов С. Эрк куйчиларидан бири // Адабиёт ва санъат. Мақолалар тўплами. –Т.: 1988. -135 – 6.

музиқали драмалар учун қўшиқлар ёзиб беради, саҳна асарлари ҳақида, режиссёрлик санъати тўғрисида, ижрочилик маҳорати ҳақида мақолалар ва тақризлар эълон қиласи.

Адибнинг ўзи ҳам катта-кичик драматик асарлар ёзади «Халил фаранг», «Чўрининг исёни», «Ёрқиной», «Замона хотини» шундай асарлар сирасига киради.

20-йилларга келиб Чўлпон жуда ҳам баракали ижод қилди. Унинг «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари» деган учта катта тўплами эълон қилинди. Булардан ташқари, «Гўзал ёзғичлар», «Адабий парчалар» китобларида унинг анчагина шеърлари босилди. 1926 йилда «Ёрқиной» драмаси алоҳида китоб ҳолида чиқди. Бу даврда таржима соҳасидаги ишлари ҳам самарали бўлди. Йирик-йирик насрий ва шеърий асарларни Ўзбек тилига таржима қилди. Тинмай қилган меҳнатлари туфайли Чўлпон халқимизнинг етук ва севимли фарзанди, адабиётнинг таниқли намоёндасига айланди.

1935-37 йиларда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романни ва «Соз» тўплами нашр қилинди. Бироқ унинг асарлари тинчгина, муваффақият билан қабул қилинавермади. Чўлпонга «...романини мухокама қилмай бостириб чиқарди, ҳеч кимни менсимайди, кибрланиб кетган»,¹ деган айблар қўйилди.

Яқин-яқин йилларгача – ўтган асрнинг 90-йилларигача Чўлпон ижоди ҳақида фикр юритиш, у ҳақда эслаш бир ёқлама, замона сиёсатига мос эди. Аллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинким, теран фикрли ижодкорга қанчалар тош отилмасин, барии бир, асар ўз китобхонларини топади. Унинг ижоди, ҳаёт йўли ўз ўрганувчи ва таҳлил этувчиларини кутиб ётибди. Зоро, Чўлпон ижодисиз, унинг

¹ Шарафуддинов О. Чўлпон. Яна олдим созимни. –Т.: Faafur Fулом номидаги адабиёт ва нашриёти, 1991. – 9-б.

асарларисиз ўтган асрнинг 20-30 йиллар адабий жараёни, публицистикаси ҳақида фикр юритиш кемтик бўлар эди.

Ўзбек насли тарихида олтинчи роман деб тан олинган «Кеча ва кундуз» асари ҳақида адабиётшуносликда саноқли ишларгина қилинди, холос. Ҳали қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Шундай ишлардан бири асарнинг тили ва услубини ўрганишdir. Биз ушбу ишимизда «Кеча ва кундуз» романида ёзувчининг сўз қўллаш маҳорати, ҳалқ тили ва тасвир воситаларидан фойдаланиш санъати, топқирлиги ҳақида сўз юритамиз.

«КЕЧА ВА КУНДУЗ» РОМАНИДА ЎХШАТИШ

Йўл юриб кетаётган инсофли одам бехосдан чуқурликка тойиб кетса, ўрнидан туриб этак қоқиб кетавермайди. Мен йиқилдим, бошқалар йиқилмасин, деб чуқурни текислаб қўяди, ёки бирорта таёқни суқиб, белги қўйиб кетади. Бу – эй йўловчи, эҳтиёт бўл, бу ерда чуқур бор, қўзингга қара, деган ишора бўлади.

Одамлар бошқаларни ўйлаб бекилган булоқ қўзини очадилар, дарахт экадилар. Мендан кейин дунёга келувчилар ташналик азобини кўрмасинлар, очликдан, офтоб жазирамасидан қийналмасинлар, деб шундай қиладилар. Одамлар масжид ва мадраса бунёд этадилар. Йўл солиб, қўприк қурадилар, хуллас, кейинги авлод учун ҳаёт заминини яратишга ўзларида чуқур эҳтиёж сезадилар.

«Сўнгги йилларда миллий театр ва рўмон китоблари» ёзилаётгани «булар миллатнинг истиқболига хайрли бир фол» деган Чўлпон шеърият, наср, драматургия, адабий танқид, публицистика ва

таржима бобида орттирган маҳоратининг маҳсули сифатида «Кеча ва кундуз» романини ёзди.

Чўлпон бу асарини ёзиш билан бирга жаҳолат ва хурофотда сақланган халқимизнинг зиё билан қалбини уйғотишни, маърифатли қилишни, ўзлигини танитишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Адаб қаламини юргизадиган бош куч унинг одамларга – ўз замондошларига зарур деб билган ҳақиқатни етказиш, уларга озгина бўлсин нур бериб, тафаккурига нажот йўлини кўрсатиш истаги бўлса ажаб эмас. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асари адаб ижодининг чўққисидир. Ёзувчининг «Замона хотини» драмаси ҳақида танқидчи Салоҳиддин Мамажонов шундай ёзган эди: «Асар ғоят томошабоп: унда ҳаёт-мамот кураши ҳам, ширин севги онлари ҳам, иғво-фитна ҳам, кундошлиқ азоби ва кескин мунозарали фасллар ҳам бор, яна қанча-қанча саҳналар, йўллар, усуллар бор. Булар ҳаммаси «эзилган юртни, шўрлик дехқонни», «озодлик ёвларини», «хотинлар ҳам одам эканлар» деган ҳақиқатни кўрсатишга хизмат қиласи. Чўлпоннинг мафтункор, сеҳрга бой, гўзал тилига қойил қолмай иложингиз йўқ»¹.

Гарчи таъриф бошқа асар хусусида бўлса ҳам, ушбу баҳони Чўлпоннинг бутун ижодига берилган баҳо десак хато бўлмайди. Зеро, инсоний туйғулардан ларзага келган ёзувчи бу тайғуларни китобхонга тирик ҳолича етказиб беришга ўзида масъуллик сезди.

Маълумки, одамлар бошидан кечирган воқеаларни гапириб, беришда ўша веҳеани қалбида яна бир бор хис қиласи. Бу эса керакли сўзларни бехато топишга ёрдам беради.

Асар тилини таҳлил этиш, уни ўрнини, ўзбек филологияси фани олдида турган муҳим соҳалардан бири эканлигини ишимизнинг кириш қисмида таъкидлаган эдик.

¹ Мамажонов С. «Шарқ Юлдуз». 1992. 10-сон. 11-б.

Зеро, асарларни бадиийлаштирувчи омиллар кўп жиҳатдан ёзувчининг тил имкониятларидан қандай фойдалана олишларига боғлиқ. Тилнинг нозик жилосидан маҳорат билан фойдаланиш тасвирининг гўзал чиқишига сабаб бўлади. Тасвир воситалари ҳакида тилшунос олим Р. Кўнгурев шундай ёзган эди: «Тилда бирор предметнинг бошқа предметлардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятини таъкидлаш учун унинг маҳсус белгисини кўрсатиб турувчи сўзлардан фойдаланилади ёки шу предмет белгисини узундан узоқ гаплар воситасида изоҳлаб ўтирмасдан, уни бошқа бир предметга ўхшатиш билан аниқликка эришилади. Баъзан эса турмушда айrim ҳодисаларнинг салбий томонларини тўғридан тўғри кўрсатишдан кўра киноя, истеҳзоларга мурожаат этилади. Бундай воситалар тилшуносликда тасвир воситалари деб юритилади»¹.

Халқ тилидаги тасвирий воситаларни ўрганиш жуда ҳам муҳимдир. Ижодда сўз санъатининг қонунлари, ижодкор ижоди, индивидуал нутқ характерининг йўналиши, образларнинг яратилиши ва экспрессив ранг-баранглик бадиий асарлардаги тил тараққиётининг қонунлари билан ёритилади.

Нутқга ранг-баранглик бериш, бадиийликни кучайтириш ниятида ҳам кўпроқ турли хил тасвир воситаларига мурожаат қилинади. Ёзувчи ўз асарининг ғоясини, унда қўйилган мақсадни турли хил образлар тизими, шу образ одатлари, табиати, феъл-автори ва характерлари асосида очиб беради. Бунда уларнинг турмушини тасвирловчи энг зарурий, энг муҳим нарса сўздир.

Бизни ўраб турган ранго ранг олам, борлиқ ҳақидаги фикр кенг ва ҳар томонлама бекаму кўст ифодаланиши учун жуда кўп тер тўкиб ишлаш талаб қилинади, тил бойлигини, унинг турли хил маъно

¹ Кўнгурев Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. –Т.: Фан, 1977.- 5-б.

нозикликларини тинмай ўрганиш лозим бўлади. Ана шундагина қисқа жумлаларда, сатрларда олам-олам фикрларни ифодалай олиш мумкин. Сўзнинг буюк қудрати, катта имконияти ҳақида Ойбек шундай ёзади:

Тасвирда сўз бомба каби
Портловчи салмоқдор бўлса,
Ё кўз ёши, ё гул сингари
Нозик нафис, маънодор бўлса.
Ё сўз савр булути бўлиб,
Мисраларда солса ҳайқириқ.
Ё дарёдек тўлқинга тўлиб,
Жўмса қалблар титраган қайиқ.¹

Ушбу қўлланмада Чўлпоннинг маҳорат мактаби мисолида бадиий нутқни ўрганаар эканмиз, биринчи эътиборни бадиий тасвир воситаларидан бири бўлган ўхшатишга қаратмоқчимиз.

Ўхшатиш – нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, аникроқ, бўрттириброқ бериш. Мажознинг бир кўриниши, услубий йўл сифатида ўхшатиш услубуносликнинг ўрганиш обьекти ҳисобланади, унинг ифодаланиш усуллари, таркибий тузилишини ўрганиш, шу билан бирга, гапнинг таркибидағи компонент эканлиги ва ниҳоят, умуман, тил омили эканлиги сифатида публицистиканинг ҳам ўрганиш обьекти ҳисобланади, деб дадил айта оламиз.

Ўхшатиш энг қадимий тасвир воситаларидан бўлиши билан бирга, энг содда ва кўп ишлатиладиган, тез-тез қўлланиладиган синтактик ҳодиса ҳам ҳисобланади.

¹ Ойбек. Шеърлар дафтаридан // Ўзбекистон маданияти , 1965 йил. 20 март.

Метафора, эпитет, жонлантиришда ўхшатиш воситалари бўлишилигидан ташқари юқоридаги каби аъзолар ҳам бўлади (яъни, ўхшатилувчи обьект, ўхшовчи образ, ўхшатма белги). Ўхшатишда эса икки нарса бир-бири билан чоғиштирилаётганда субъектни кўрсатувчи сўз ҳам, обьекни кўрсатувчи сўз ҳам, асосан, ўзининг тўғри маъносини сақлаб қолади. Аммо бундай ўхшатишнинг кўчма маъноли сўзларга – метафора, эпитетлар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, деган хуроса келиб чиқмайди. Муболаға, литота билан ўхшатиш орасида ҳам боғлиқлик бор.

Улар ҳам худди ўхшатишдек ўхшатиш ифодаловчи унсурларни олиб, шу асосда қурилади. Аммо бу дегани сўз муболаға, кичрайтириш, ўхшатиш деган гап эмас. Улар ўзларининг маъно, хусусиятлари билан фарқ қиласи. Маълум ижодкорнинг ўхшатишларни қўллашдаги маҳорати каби масалалар ҳали кенг ўрганилиши керак. Шунда бу тасвир воситасининг жозибаси яна ҳам тўлароқ очилади. Ўхшатиш сўзнинг маъно жиҳатини кенгайтиришда, имконият даражасини оширишда публицистикада ҳам сезиларли даражада қўлланувчи восита ҳисобланади.

Бадий адабиёт тилининг тасвирий воситаси саналган ўхшатиш ўзининг образлилик, тасвирийлик, эмоционаллик каби хусусиятлари билан бадий асар тилида яққол гавдаланиб туради. У асарнинг барча компонентлари: портрет, руҳий кечинма, нутқий характеристика, манзара, персонаж тасвирида қўлланади ва муайян асар юзага келишига хизмат қиласи. Адабий тилнинг тасвир воситаси бўлган ўхшатишда лексик бирликлар билан ифодаланган икки нарса «ҳодиса ёки тушунча» ўзининг маълум бир белги хусусияти асосида бир-бирига образли чоғиштирилади. Ўхшатишда нарса ва ходисаларни ифодалаган лексик бирликлар ўзининг тўғри маъносига билан чоғиштирилади.

Ижодкорнинг иложи борича янги-янги ўзига хос ўхшатишлар топа олиши билангина ўз асарининг қимматини янада ошира олиши мумкин. Бироқ зўрма-зўраки ўхшатишлар асар қимматини пасайтиради.

Илмий адабиётларда олимлар ўртасида ўхшатишнинг тузилиши тўғрисида бир неча хил фикрлар мавжуд.

Ўзбек тилшунослигига ўхшатишларга ўз эътиборини дастлабки қаратганлардан бири М. Мукаррамов ҳисобланади. У икки предметни чоғиширишга асос бўладиган белгини уч таркибий қисм сифатида талқин қиласди. М.Мукаррамов ўз фикрини қуидагича изоҳлайди:

- 1) ўхшатилаётган предмет - Карима – ўхшатилаётган объект;
- 2) ўхшатилаётган предмет – анордай – ўхшовчи образ;
- 3) ўхшатилаётган ва ўхшаётган нарса, ҳодисаларнинг ўхашлик белгиси - қизариш – ўхшатма белги.

Ё.Исҳоқов эса мумтоз адабиёт материаллари асосида ўхшатиш қисмларини шундай кўрсатади:

- 1) мушаббах (ўхшатилган нарса);
- 2) мушаббах хунбех (ўхшатиладиган нарса);
- 3) афти ташбех (ўхшатиш воситалари);
- 4) важҳи ташбех (ўхшатиш сабаби)¹.

Таниқли олим А.Рустамов ўхшатиш мундарижасини ўхшатилиш, ўхшовчи ва ўхшатиш ташкил қиласди, дейди. Масалан, бир қаҳрамон шерга ўхшатилса, қаҳрамон ўхшатишнинг ўхшатилмиши, шер унинг ўхшовчиси, шижаат эса ўхшалиш бўлади².

¹ Исҳоқов Ё. Ташбех. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. -4-сон.

² Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: Фаур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. -9-б.

Бу хусусда тилшунос З.Т. Тоҳиров ҳам ўзига хос фикрни баён этади: «...Ҳосила семемаси таркибида прагматик семанинг юзага келиши метафора ҳодисаси билан эмас, балки уни юзага келишига сабаб бўлувчи ўхшатиш конструкцияси тузиш мақсади билан боғлиқдир...

Ўхшатиш конструкцияси тўрт компонентли бўлади. Масалан, лаълдек қирмиз лаб жонимга пайванд ўлдиму? (Фурқат). Бунда **лаб**-субъект, **қирмиз-ўхшатиш** асоси, **лаъл-ўхшатиш** эталони, **-дек** – ўхшатиш форманти. Мазкур формант ўхшатиш асосини эталонини бошқариб келишда грамматик восита вазифасини бажаради. Бу бошқарув боғланишли бирикма эса конструкциянинг субъекти учун аниқловчи бўлиб ҳисобланади. Субъектнинг аниқловчси ҳисобланган бошқарув боғланишли бирикма **лаълдек қирмиз** бўлиб, унинг асоси, яъни ҳоким компонент аниқловчилик функциясида етакчи бўлиб келган. У денотатив ифода бўлиб, «рангга эгалик» белгисини кўрсатади. Бу белги **лаъл** сўзи денотатига қиёслаш эса кучли сўзи денотатига нисбатан субъектив муносабатдир. Кўринадики, ўхшатиш конструкциясининг прагматик ифодаси унинг эталонида таркиб топади»¹.

Хуллас, ижодкорнинг маҳоратини, тасаввур ва ҳаёл оламининг бойлигини ёки қашшоқлигини кўрсатувчи бадиий тасвир воситаларидан бири ўхшатиш саналади. Ўхшатишнинг вазифаси тасвиirlанмишнинг сифатини ривожлантириш, ўткирлаштириш ва шу йўл билан ўқувчи ёки тингловчининг ҳиссини уйғотищдир.

Ўхшатиш лексик ва грамматик воситалар ёрдамида ҳосил қилинади. Ўхшатишни ҳосил қилишда анчагина ёрдамчи ва мустақил сўзлардан фойдаланилади:

¹ Тоҳиров З.Т. Прагматик сема. –Т.: Зар қалам, 2004, -11-12-б.

- 1) каби, сингари, қадар кўмакчилари воситасида предметлар эга бўлган бир-бирига яқин белгилар қиёс қилинади;
- 2) янглиф, бамисоли, мисли равишлари ёрдамида ҳам ўхшатишлар ҳосил қилинади;
- 3) баъзи бир феъллар ўз маъносида ўхшатиш оттенкасига эга бўлади. Буларга ўхшамоқ, эсламоқ феълларини киритиш мумкин.

Хозирги ўзбек тилида ўхшатишни ҳосил қилишда яна юқоридагилардан ташқари айнан, ўзи, тус, иборат, ҳолатида, нима-ю, нима деган сўзлар ҳам қўлланилади¹.

Ўзбек тилида бир нечта аффикс борки, улар бирор предмет, белги ёки ҳолати бошқаларга ўхшатиш, қиёс қилиш учун хизмат қиласди:

- дай (дек), симон, -она, -намо, -ларча, -омуз, - ча, -часига, -дан, -ли.

Бир гапда ҳам лексик, ҳам грамматик воситалар биргаликда ишлатилганда кўпроқ лексик восита кейинги сўзларга қўшилиб келади.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асарида табиат манзараси, инсон рухиятини очишда ажойиб ўхшатишлар қўлланган. Асарнинг илк сатрларида табиатнинг энг гўзал фасли бўлган баҳорнинг тасвири, у келганда бутун оламининг жонланиши ифода этилади. Масалан, «Тилла ранг кўм-кўк соchlари қизларнинг майдада ўрилган кокилларида селкиллаб тушмоқقا бошлади»².

Бу жумлада толларнинг эндингина чиққан, она замин томон эгила тушган новдалари - сочпопуклари қизларнинг ўрилган соchlарига қиёс этилади. Ушбуни ўқийсиз-у, дарҳол кўзни қамаштирган, тим қора,

¹ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. –Т.: 1976, 10-бет.

² Чўлпон. Яна олдим созимни. –Т.: 1991. Бундан кейинги мисоллар шу асардан олинди. Фақат бети кўрсатилади.

қизларнинг орқасини тўлдириб турган соchlар ва уларга ўхшаб кетувчи, табиатга гўзаллик бахш этувчи толларнинг новдалари кўз олдингизда намоён бўлади.

«Муз тагида лойқаланиб оққан сувларнинг ғамли юzlари кулди, ўzlари хорғин-хорғин оқсаларда, бўшалган қул сингари эркинлик нашъасини кемира-кемира илгари босадилар» (21-бет).

Қул одатда, бор дунёси – эрки, қувончи туйғулари ва ҳатто қайғусидан ҳам айрилади. У озод этилса, айрилган нарсаларининг бари ўзига қайтади. Баҳорги илиқлик қиши бўйи қулдек бўғилган сувларга ҳаёт бахш этади. Ўzlари ҳориган, чарчаган бўлсалар ҳам эркиндирлар, шунинг учун юzlари эркинликдан, озодликдан жилмаяди, кулади.

«Биринчи кўринган кўклам қуши биринчи ёрилган бодроқ нашъасини беради» (21-бет).

Ўхшатишлар лексик, грамматик ва ўхшатиш воситаларисиз ҳам ҳосил қилинади. Юқоридаги тасвирда ўхшатиш воситаларисиз ўхшатиш санъати қўлланган. Катта қозонга маккажўхори солиб, қовураётганингизда биринчи ёрилган бодроқ дилингизга бошқача бир кайфият, орзиқиши, қувноқлик солади. Кўнглингиз қувончдан яйраб кетади. Рутубатли қиши кунлари ўтиб, кунлар илиганда у ер, бу ерда кўриниб қолган кўклам қуши – жиблажибон ёки қалдирғоч ҳам сизга ўзгача таъсир қиласди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ҳис уйғотиш таъсири бир-бирига яқин бўлган шу ҳолатни чоғиштириб, тасвирнинг таъсир қувватини янада оширади.

Табиат гўзалигини тасвирлаб, китобхонга қувонч бағишлиаган адид асосий воқеалар, қаҳрамонларни тасвирлашдан олдин ўқувчини унга тайёрлаб олади.

«Отаси бомдоддан кирмаган, онаси сигир соғиши билан овора, ўзи кичкина сахнни супуриб турган вақтида ташқари эшикнинг бесаранжом

очилиши Зебининг кўнглини бир қур сескантириб олди. Бир қўлида супургиси, бир қўли тиззасида – ерга эгилган куйи эшик томонга тикилиб қолди» (22-бет).

Эшикнинг бесаранжом очилиши Зебининг сесканиб кетиши беихтиёр эътиборингизни қаттиқроқ торта бошлайди. Кейинги жумлаларни тезроқ ўқишга шошиласиз. Зебининг сесканиши, эшикнинг бесаранжом очилиши уни яна ҳам гангитувчи совчилармиди? Ёки бўлмаса, бошланажак воқеалардан ўқувчини огоҳ этишмиди? Бу ҳам ёзувчи услубидаги ўзига хосликдир.

Шундан кейинги тасвирларда адаб қаҳрамонлар ҳолати, кечинмаларини беришга интилади.

«Айтгандек, эшикдан шошилиб келган-ёшгина, ўзи тенги бир қиз бўлди. Ҳали тузук-қуруқ одам қаторига кириб етмаган бу қизчани катта хотинларнинг орият паранжисига буркаганлар, паранжининг узун этаклари катта бир тугундек унинг қўлтиғини тўлғазарди... » (22-бет).

Янгиликка интилган, инсон наслининг эркин бўлишини истаган адаб ёш қизларни ҳам паранжисида юрганлигини киноя билан ёзади. Ва шу «орият» паранжисини катта бир тугун каби ёш қизнинг қўлтиғини тўлдириб турганлигини айтади. Табиатда сувлар муз остида бир мунча фурсатга, яъни қиши бўйи эркинликдан маҳрум бўладилар. Бироқ Салтининг қўйинини тўлдириб турган паранжи хотин-қизларни бир умрлик ёругликдан маҳрум қилган. Унинг остида бемалол сухбат қуриш, гапириш, ўзлигини таниш, ўқиш-ёзишдан маҳрум этилган ҳолда юрадилар. Бироқ қизларнинг латофати кўрки шу қора чимматидан ёриб чиқиб, адибнинг гўзал ўхшатишларига сабаб бўлади.

«Унинг иккала юзи, айниқса, кўрпанинг катта-катта қавифига тикилган андишали кўзлари ҳовур босган ойнакнинг бетига ўхшарди» (23-бет).

Зебининг катта-катта кўзларини қўрпа қавиғига тикилган деб таърифлайди. Улардаги қиши бўйи тўпланиб қолган ҳорғинликнинг нишонасини ҳовур босган ойнакнинг бетига ўхшатади. Шу ҳолатга қарама-қарши бўлган Зебининг дугонаси эса қуийдагича тасвир этилади: «Аксинча, Салтининг юzlари чараклаган юлдуздай сернашъа, қувноқ ва ҳар андишадан йироқ бўлиб, кўнглининг чуқур бурчакларидан чиқиб келган севинч тўлқинларини акс эттиради» (23-бет).

Юлдуз янглиғ чараклаш, очилиб-сочилиб юриш Салтининг табиатини белгилайди. Ёзувчи буни ўзига хос йўсинда ифода этади. Дугонасини кўргандаги севинч, қувонч Салтининг юлдуздай чараклаши билан ифода этилади. Ушбу жумладаги ўхшатиш грамматик восита – дай ҳисобига юзага келган.

«Зебининг юzlаридаги – ойдай тиниқ ва қуёшдай ёруғ бу ҳолат моддий ҳақиқатлар қадар очиқ кўринади» (25-бет).

Юқоридаги сатрларда икки дугонанинг ҳолати, шу орқали табиати ифода этилган эди. Бунда эса Зебининг дугонасига нисбатан муносабати, нима демоқчи эканлиги ой ва қуёшнинг хусусиятларига чоғишириш билан очиб берилади.

Қахрамонларнинг тасвири, ҳолатлари тўғрисида қилинган оддийгина, бироқ мантиқли ўхшатишлар улар ҳақида тўла тасаввур олишга имкон яратади. Чўлпон мурожаат қилган ўхшатишларнинг кўпчилиги грамматик усул –дек, -дай, -ларча, -симон қўшимчалари билан яратилади. Шунингдек, уларда ўхшатилувчи объект, ўхшовчи образ, ўхшатма белги мавжуд. Бироқ асарнинг бадиий қимматини оширувчи барча ўхшатишлар шу усулда ясалмаган.

«Ўз уйининг қабристонлар қадар жимжит, хонақоҳлар қадар унсиз, ўз кўнгли қадар тун ва хўмрайган бўлишини истаган Раззоқ сўфи худди шу олатўпалон устига кириб келди!» (25-бет)

Бунда ўхшатиш қадар сўзи билан ифода этилган. Жумлани ўқиган китобхон эндиғина гавдалангандан Раззоқ сўфи ҳакида шунинг ўзидангина тўла маълумот олади. Кўнгли тунд ва хўмрайган сўфини қўз олдига келтиради-ю, ундан худди қўрқкан ҳолатга тушади. Беғубор қизларнинг шодлигига унинг раҳна солишини истамайди. Бироқ ёзувчи Сўфининг шугина таърифи билан чекланмайди: «бу одам жадиднамо бир ҳамشاҳарининг деганидек кўргазмага қўйилатурган антика маҳлуклардан эди»(26-бет).

«Сўфининг тошдай қаттиқ ва буюмдай ҳаракатсиз юзи бирданига турли-туман ўзгаришлар ва ҳаракатларга жавлонгоҳ бўлади» (27-бет).

Ёзувчининг маҳорати, ижодкорлиги шундаки, у ҳаётда учрайдиган ҳар бир нарсани синчковлик билан кўра олади. Ва айнан таърифлай олади. Эҳтимол, Раззоқ сўфини биз ҳаётда учратсақ, унга хос хусусият, ҳолатни айтиб бера олмасмиз. Адиб эса уни тўғри англаб, унга хос хусусиятлар ҳакида бизга тасаввур бера олган.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари ҳозир ҳам китобхонлар томонидан қизиқиб ўқиласди. Худди шу асар билан мавзудош ва даврдош бўлган асарларнинг барчасини ҳам умри боқийми? Афсуски, йўқ... шундай бўлгач, бу нарсанинг сабабини ўзингизча топмоқчи бўласиз. Бунинг сабаби ижодкорнинг китобхон қалбини топа билгани, энг нозик торларини черта билганидир.

«Бир икки байт ўтганидан кейин Зебининг тиник, ғуборсиз, жонон пиёладек жаранглаб чиқадиган чиройли ва ўткир овози қўшилди» (39-бет).

Пиёлалар ичидә барининг овози ҳам дилни қитиқловчи, жарангдор овозлар чиқаравермайди. Қайсики, тиник ва ғуборсиз, жононгина шу хусусиятга эга. Бир арава қиз ичидә Зеби ҳам шу пиёладек хусусиятга эга бўлиб, овози ёқимли ва ширали эди.

Камтар қиз отасининг огоҳлантириши ва тергашлари билан ашула айтмай турган бўлса-да, қалб торлари, ёшлиқ қизиқишлари бунга дош берга олмади.

«Шу чоққача ёр-ёрга қулоқ солиб, индамасдан, аста-аста отини қамчилаб кетаётган аравакаш бу овоз чиқиши билан оғир бир «ух» тортди, қўлидаги қамчиси дараҳтдаги кузги япроқ сингари зўрга-зўрга бармоқларига осилиб қолди...» (39-бет).

Бу жумладаги ўхшатиш *сингари* кўмакчиси ёрдами билан ясалган аравакашнинг бир зумлик ҳолатини кузги япроқча чоғишириш билан унинг ички кечинмаси фақат адига-ю, қаҳрамонга ошкор бўлган. Ҳеч нарсага умид боғлай олмаса-да, ўзини тарқ эта олмайдиган ҳисни, биргина «ух» сўзи-ю, япроқ сингари омонатлик билан чиқариб юборган.

Таъриф этилган овоз, қўшиқ шу қадар ёқимлики, агар иложи бўлса, ўша аравада пайдо бўлсангиз ва уни эшитсангиз.

«Иккаласи юzlари юлдуздай чараклаган ҳолда даричадан ичкарига ҳатлаган вақтларида Зебининг «қора сочим» куйига айтиётган ашуласи қулоқларни ширин-ширин қитиқламоқда эди» (48-бет).

Зеби айтиётган ашуланинг ёқимлилиги, овознинг ширадорлиги таърифи ёзувчини биргина аравакашнинг яна «ух» тортиши билан тугамайди. Балки эшитган муҳлисининг юзини «юлдуздай» чараклашига олиб келган. Қаҳрамонларнинг руҳияти, феъл-атвори, тили айни пайтдаги ҳолати ўхшатишлар орқали бадийлаштирилади.

«Султонхоннинг ранги ўча бошлаган эди, икки бетидаги шапалоқдек қизилига сўлғинлик югурди» (55-бет).

Биз одатда, бадиий асар қаҳрамонларини қўра олмаймиз. Бироқ уларга берилган таъриф-тасвирдан маълумот олишимиз, тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. Султонхоннинг юзи табиий қизариб туриши, бу қизиллик катталигини «шапалоқдек» деб тасвирлаш, ўхшатишдан билиб оламиз. Қайғулик хабар туфайли шу қизиликка сўлғинлик, хафалик югурди.

«Иккала кундошнинг кўзлари бирдагина ўғил кўрган отанинг кўзларидай равshan бир олов билан чарақлади» (63-бет).

Разил ниятлари амалга ошувига, қора кўнгилларининг таскин топишига ишонган кундошлар қувончи ўғил кўрган отанинг севинчи билан чоғиширилаяпти. Отанинг орзусини ушалтирувчи, келажагини белгиловчи ўғил уни чексиз қувонтиради. Икки кундошнинг азоби бошқа бир кишининг қайғуси билан малҳам топади ва уларга қувонч бағишишлайди. Икки кундошнинг кўзлари ҳам бирданига, бунинг устига равшанлик билан чарақлади.

«Кеча ва кундуз» романида қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, дарди-дунёси ёзилмайди, балки тасвир этилади.

«Инженернинг оғзидан, баъзи-баъзида сартларга оғир келадиган сўзлар чиқиб кетганидагина, Тўра бояги қараш билан Матёқубга қараб кўяр, лекин ундей фурсатларда унинг икки кўзи китобда бўлса ҳам икки қулоғи, аврашга тушган илондай диккайганини Тўра билмас эди» (73-бет).

«Аврашга тушган илон» ўз рақибини енгиш учун бор кучи ва қудратини сарф этади, чунки унинг ҳаёти ҳал бўлади. Мирёқубнинг ҳудди шу ҳолатда, қулоқлари диккайган ҳолда инженер ва Тўра ўртасидаги сухбатни эшишишга ҳам ҳаётий эҳтиёж, инсон қадри мажбур этганди. Мирёқуб бепарво, беғам бу гапларни қабул этиб кета олмас

эди. Ўткир ақли, ўзига хос дунёқараши билан ўзининг ҳам шу камситилганларнинг бир зарраси эканлигини англарди.

«Камситишлар ўша оннинг ўзидаёқ унутилган, ўтган йилги қордек эриб йўқ бўлган, баҳорги ёмғир каби асари ҳам қолмаган...» (73-бет).

Ёзувчининг сатрлардаги ўхшатишларни қўллашдаги маҳоратига тан берга туриб, жумлалардаги ёзувчининг «захар-заққум» кесатиқларига бир назар ташлаб ўтайлик. Чунки, ўтакетган даражадаги хўрликлар, ҳаракатлар, инсонлик шаънининг ҳақоратланиши тушунган, зиёли, эркесвар ёзувчини бефарқ қолдирмасди. Бир умр ўзини ҳалқ эрки, озодлиги учун курашга сафарбар қилган Чўлпон бадиий асарларда ҳам бу ҳолга бефарқ қараб турмайди. Фикримизни янайм тўлатиш учун рус мустамлакачилик сиёсати энг кучайган, ҳақоратлар авжига чиқсан XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидағи сиёсий ҳаракат, шу даврдаги «Дукчи эшон қўзгалони» деб тарихга кирган воқеанинг муаллифи Фозилбекнинг «Дукчи эшон воқеаси» мақоласидан мисол келтирайлик:

«Ўз истибоди сармоясини қувватлантироқ учун ҳам биз, Туркистон ҳалқини доимо асир, залил ва қул қилиб, ишлатиб келмак маслаги билан қўзимизнинг очилишиға қарши турди.

Иккинчи тарафдан ўзининг ҳукуматини тепамизда узун замонлар жорий қилмоқ қасдида дастани ўзидан чиқариш учун меҳнаткашларни оёғи учида кўрсатадирган бой-бойваччаларни тепамизга мингбоши тайинлаб қўйиб, ҳар хил фармон ва приказларни ўз хоҳлағонича жорий қилиб келди. Бечора камбағал ҳалқнинг мазлумлик орқасида чор ҳукуматининг қандай бўлса бўлсин, фармойишларга бўйсунмоқдан бошқа чораси йўқ эди»¹.

Кўриниб турибдики, мустамлакачилар ерли ҳалқни қандай бўлса-да, қўлларидан чиқармаслик учун ҳар қандай чорани қўллаганлар. Шундай хўрликларни, ҳақоратларни кўра-била туриб портламаган ҳалқига, шу

¹ Фозилбек. Дукчи эшон воқеаси // Шарқ юлдузи, 1991. 1-сон.

халқнинг вакили, ишбилармон Мирёқубга «қордек эриб йўқ бўлган, баҳорги ёмғир каби асари ҳам қолмаган...» сўзларини қўллади.

«Унинг ҳам қизлик ҳаваслари уйғонади, юраклари мулойим ва ёқимли бир талваса билан дук-дук уради, икки юзи дастурхон устидаги анор сингари қипқизил бўлади» (82-бет)

Муҳаббат ҳар бир ёшнинг – хоҳ қизнинг қалбига энтикиш, суур бахш этади. Ҳали уни бошидан ўтказмаса ҳам, кўнглидан кечирмаса ҳам ҳаёлан ҳаваслари уйғонади. Зеби авайланган кўчат сингари, ҳали икки юракнинг тубида бўлса ҳам аравакаш йигитга пинҳона ҳавасла боқсан эди. Уни кўрганда юраклари дук-дук уради, анор сингари қип-қизил бўлади.

«Ҳалиги ширин хаёллар очилиб билан кулиб, тўлиб чўғдай қизариб турган юzlари гармсел теккан каби бир нафасда сўлиб, ўчиб учуғдек бўзариб қолади» (89-бет).

Бир жумланинг ўзида учта ўхшатиш унсури қўлланган. Биринчиси қизнинг юzlарини қизариши чўғга қиёсланади, -дай аффикси ёрдамида; иккинчиси шу юzlарнинг сўлиши гармсел теккан экинга қиёсланади; учинчиси қизарган юzlар учуғдек бўзаришга чоғиширилади. Кейинги ўхшатишлар каби, -дек воситалари ёрдамида ҳосил қилинган.

«Бечора қизнинг бутун бу ширин хаёллари шу биргина «мингбоши» сўзи келиб чиқиши билан бирваракасига паришон бўлиб, сочилади, тўкилган тариқ каби ҳар томонга тирқираб кетади» (89-бет).

Ширин хаёллар оғушида юрган қизнинг изтироби беҳуда эмас. Чунки, аянчли тақдир битган эди, унинг пешонасига. Уч хотини бўла туриб мингбоши унга совчи қўйган, жоҳил ота эса розилик берган эди. Ширин хаёллар ҳеч ўнгланмас бўлиб, тариқдай сочилиб, тирқираб кетган эди. Барча орзу-умидлар чил-чил синганди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у факат жумлагагина эмас, сўзларга ҳам маъно юклайди. Юқоридаги тирқираб сўзи ҳам тариқнинг жуда-жуда очилиб сочилишини ифодалаган эди.

Бадиий асарнинг йиллар давомида яшовчанлиги, адибнинг маҳорати билан белгиланади. Айни бир нарсани, мавзуни бир неча киши ёзиши

мумкин. Аммо уларнинг ҳар бири уни ўзига хос тарзда ифода этади. Шунинг учун ҳам ёзувчилар ҳақида сўз юритганда «қаҳҳорона», «чўлпонона» атамалари ишлатилади. Чўлпон ўз қаҳрамонларининг қиёфасини очишида, уларга хос хусусиятларни кўрсатишда катта маҳорат кўрсатган.

«Унинг фикрича, ўсган болага эски кийими тор келгандай, Мирёқубга ҳам энди «эпақа» лақаби камлик қиласди» (104-бет).

Мингбошнинг вужуди, уриб турган юраги бўлиб қолган Мирёқубсиз чигал масалаларни ечиш қийин. Унинг ақли етмаган иши, ечолмаган муаммоси йўқ. Мирёқубнинг тадбиркорлигига берилган «эпақа» лақаби ҳам мингбошининг фикрича энди унга камлик қиласди. Агар мингбошининг баҳтига Мирёқуб омон бўлса, у доим роҳатда ва серёғ, хуштаъм овқатлар емоқда бўлади.

«Мирёқуб бу даргоҳда тез-тез кўриниб турадиган бу серқатик, семиз ва ёғлиқ мантиларга қадрдон дўстини кўргандай ширин бир кайф билан тикилди, сўнgra қўзларини товоқдан кўтариб, мингбошининг юзларига қарагач, шу тобда товоқдаги манти билан товоқقا томон эгилган юз ўртасида ҳеч қандай фарқ кўрмади: иккалasi ҳам шу қадар ёғлиқ эди!» (104-бет).

«Ҳамма нарсаси етарли, кўша-қўша хотини бор мингбоши ўзининг қилиб юрган ишлари билан қаноатланиб қолмайди. Ўзидек пок орзу, ҳаёллар, пок ниятлар соҳиби Зебининг ҳаётига чанг солади. Булбул каби тиниқ овози, юракнинг титратгувчи қўшиқлари унинг учун шум тақдир белгиладилар.

Мингбоши тўғрисидаги довруғ бир хил дайди шамоллардай тўсатдан келиб қолган, сўнgra сўфининг маълум сўзларидан кейин бутунлай жимиб кетган эди» (106-бет).

Бироқ ўзи тўғрисидаги қора ниятлардан бехабар қиз, ҳали куртак ёзиб улгурмаган мухаббат билан банд:

«Энди каштачи қиз,вой ўлақолай!» - деб ичкарига қочмас, факат бетига рўмолини парда қилиб, икки бети чўғдай ёнгани ҳолда, кулимсираган қўзлари ила ҳалиги парданинг ёнидан мўраларди» (107-бет).

Қиз қалбидаги бу маъсум муҳаббат ҳали ташқарига чиқмай саробга айланди, эрта узилган хазондай ҳеч кимга билинмай кўмилиб кетди.

Қизнинг юзига ёйилган ва борган сари қуйилмоқда бўлган қувноқлик кумга тушган томчи каби бирданига йўқ бўлди, унинг жиддийлашган кўзларига энди ташвиш қўланкалари чўккан эди» (110-бет).

Қизининг бахти-саодатидан бошқа нарсани ўйламайдиган она қизидан кўра кўпроқ изтироб чекади. Лекин дунёдаги барча аёл учун хос бўлган хусусият – бардош уни тик қилиб туради.

«Қурбонбиби рўмолининг учидан бояги тангаларни олиб қизига узатаркан, овини йиқитган мерган сингари қўнгли севинч билан тўлгани ҳолда:

«Мана болам кўрпа қавифидан пул тегди!» - дейди» (110-бет)

«Фақат бу тўрт девор орасига кирадиган қувончлари ўткинчи назардай бир қафасга кириб чиқадилар» (110-бет)

Нафс бандаси ота ҳеч изтиробсиз пул ва арзимас обрў эвазига қизини мингбошига узатади.

«Ёғлиқ қўлларини арта бермоқдан унинг эски махсиси ойнадай ялтираб кетди» (114-бет).

Бу ёғлиқ паловлар, отанинг қувончи, бечора қизнинг туганмас изтироби эвазига келган эди. Шу қадар очқўзликдан махсиси ойна каби ялтираб кетган эди.

Биз Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида ўхшатишлардан қай даражада қўлланганлигини таҳлил қила туриб, тилнинг жозибадорлигидан маҳорат билан фойдаланганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўзига хос қобилият соҳиби Чўлпон такрорланмас ўхшатишларни топа билган.

«Бу даргоҳда эрта баҳорда Зебининг қадами теккандан бери Султонхон бутунлай нес-нобуд бўлди. Кечаги ботган қуёшдай... унутилди!» (121-бет).

Мингбошининг хонадонида Зеби келмасдан олдин Султонхон қуёш эди. Шу хонадоннинг бори ҳам йўғи ҳам уники эди. Зеби келгач, у кечаги

ботган қуёшдай унудилди. У энди қайтиб чиқмайди. Ўрнига янги қуёш чиқкан. Бу қуёш ҳам ботиши мумкин, фақат унинг ўрнига янгиси чиқса. Зеби учун бу ернинг қуёши бўлиши ҳавас эмас. Унинг учун «кет» деган сўз маъқулрок.

«Кет десангиз жон дейди. Шамолдай учади. Унга сизнинг «кет» деганингиз ёввойи қушга қафас даричасини очгандай гап» (125-б.).

«Ғоя-ёзувчининг образларга бўлган муносабатидан келиб чиқувчи образли, эмоционал ва умумлашма холосасидир»¹.

А.П. Чехов таъкидлаганидек: «Ғоя бадиий асар тақдирини ҳал қилувчи негиздир. Асарнинг ғояси бир нечта жумла билан ифодаланмайди. Балки асар давомидаги турли нуқталарда, унинг бутун руҳидан келиб чиқади»².

Бидий асарнинг тили хусусида сўз юритиб, етук ёзувчимиз Абдулла Қодирий шундай ёзган эди:

Сўз - қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин»¹

Сўз орқали ёзувчи китобхонларга қандайдир янгиликни, фикрларни очиб беради ва кишиларни тушунишга, кўришга, хис этишга ўргатади. Ёзувчи илгари сурган, асарда ифода этилган ғоя тасвир воситалари орқали ҳам акс эттириб берилади.

«Юрт ҳам, самовардай аста-секин қайнаб ётиби. Бир тошади бу!» (126-бет).

Мустамлакачиларнинг зулмидан, маҳаллий амалдорларнинг зўравонлигидан халқнинг сабр косаси тўлаётган эди. Аламлар, ситамлар қат-қат бўлиб халқ қалбida тўпланиб, қайнаб ётганди. Қайнаб ётган самовар беэътибор қолдирилса, тошиб қетиши муқаррар бўлганидек халқ ҳам рўшнолик кўрмаса тошади, деб таъкидлайди, адиб.

¹ Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: 1979. 101-б.

² Чехов А.П. Полн. Собр.соч. Т-14. М., 1949.стр 248.

¹ кодиров А. Ёзувчиларимизга. // Муштум, 1925. №17

«Одамларнинг юзига қарасам, ўрис, мусулмон ҳаммасининг кўзи бежо ... «ютаман» дейди» (125-бет).

Жабр-зулм кўрган, миллатидан қатъий назар халқ шу даражага етгани, бор қаҳри кўзларида ифода этилган.

«Бизнинг ҳамма хавфимиз ўша «кўзлардан»... кўзлар кўп хунук қарайдилар. У кўзларнинг сон-саноғи йўқ. Гермонни енгсак кўзлар ювошланади» (146-бет).

Юрт тепасида бўлган жабр зулм қилаётган амалдорлар ўз ҳокимиятлари чириб бораётгани, халқнинг сон-саноқсиз қисми ўзларига қарши эканлигини жуда яхши биладилар. Жон ҳадигида, омонат чўпга бўлсада ёпишадилар. Минг-минг кўзлардан қўрқадилар.

«Худо сақласин, агар шу хилда кетаберсак – кўзлар бизни еб ташлаши мумкин...» (146-бет).

«-Хуллосайи калом, бу улуғ империя даҳшатли тўлқинлар ичида зулматга, белгисизликка, йўқликка қараб кетаётири» (146-бет).

«Улуғ империя» деб аталувчи кема қийноқларга дучор қилинган халқ денгизида ғарқ бўлиши, «кўзларнинг» қурбони бўлиши муқаррардир. Уммондек денгиз олдида унинг улуғлиги, салобати, номи ҳеч нарса эмас. Чунки унинг замини, эртаси сароб бўлиб бормоқда эди.

Чўлпон романида бу қадар кескин ва ўз даври учун бир қадар даҳшатли бўлган сўзларни ёзишга ўзида анчагина жасорат топа олган.

Чўлпон ўзининг лирик шеърларида ва кичик насрый асарларида ҳам чириб бораётган тузумнинг инқироз сабабларини, жадидликнинг, миллатнинг моҳиятини тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Халқ қачон ўз эрки, тили, дини, урф-одатини бус-бутун тикласа миллат сифатида шаклланади, деган рухни ҳар бир асарига сингдирди.

«Одам образининг реал бўлиши учун тип индивидуал кайфиятни йўқотмаслиги лозим... тип маълум бир режа ила чизилган шакл эмас. Тип

инсон сўзларидан, фақат шу одамга хос индивидуал сифатлардан маҳрум бўйласлиги керак»¹.

Чўлпоннинг маҳорати шундаки, у Мирёқубнинг хусусий сифатларини кўра билган. Шунинг учун Мирёқубнинг ҳаракатлари ўқувчида шубҳа уйғотмайди. Мирёқуб ҳарактерида янгиликка интилиш, билмаган нарсасини билишга қизиқиш хусусиятлари бор. Чунки капиталистик муносабатларнинг шаклланиши, буларнинг натижасида ҳалқ туйғуларининг уйғонишини пайқаш учун Мирёқуб сингари ҳарактердаги одам бўлиши керак эди. Мирёқубнинг «Миллат деган нарсамиз бор экан, биз омилар уни «фуқаро» деб юрганмиз (183-бет), биздан нечта баровар кичкина миллатлар мустақил бир хукумат қуриб, ўз давлатлари ила Европанинг, шу жумладан Европанинг марказида, яъни киндиги сингари жойда яшайди» (185-бет), деган гаплари ўқувчида шубҳа уйғотмайди.

Чўлпон «Кеча ва кундуз» асарини тарихий даврни кўрсатиб бериш, ҳалқнинг қийналгани, қийноқ ва изтиробларда яшаганини кўрсатиш учунгина ёзмади. У яратган ҳар бир образида рамзий белги, рух бор. Ўзи яратган Мирёқуб, мингбоши, сўфи, Марям, Зеби образлари ёрдамида миллатнинг ўша даврдаги фожеали ҳаёти, зиёга, эркка ташна бўлган забун кунларини кўрсатмоқчи эди.

Мирёқуб каби ишбилармон, пухта кишилар юрт учун қайғурса, ўзининг ақлини шу йўлда сарф этса «Асад ойида рўза тутган бангидай» важоҳати бузилган ҳалқقا бош бўлади», деган фикрни таъкидлайди.

«Кеча ва кундуз» асарида ўхшатишлар воситаси билан қай даражада маҳорат намоён бўлганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўхшатишларга муфассал тўхталганимизнинг сабаби, асарда энг кўп қўлланган тасвирий воситалардан бири бўлганлигидир.

Биз бу ишимизда бадиий асар матнини таҳлил қилишнинг бир жиҳати – усулини беришга ҳаракат қилдик.

¹ Ойбек. Қайтадан яратиш маҳорати // Ёшлиқ, 1985. 1-сон.

Ўйлаймизки, бакалавриант, магистрантлар шу тахлит бошқа атоқли ижодкорлар асарларини таҳлил этишда ундан самарали фойдаланадилар. Бундан ташқари, улар бадиий услуг қирраларидан бири билан яқиндан танишадилар.

АДАБИЁТ

1. Шоабдурахмонов Ш. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I - қисм -Т.: Ўқитувчи ,1980.
2. Миртожиев М. Сўз маъносининг кенгайиши, торайиши ва кўчма маъно ҳосил бўлиши. –Т.: Университет, 1983.
3. Худойберганова Д. С. Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке. Автореферат кан. дисс. – Т., 1989.
4. Қўнғуров Р. ва б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Т.: Ўқитувчи ,1992.
5. Тошлиев И. ва б. Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуби. –Т.: Университет, 2000.
6. Тоҳиров З.Т. Прагматик сема. –Т.: Зар қалам, 2004.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Таянч сўз ва бирикмалар	5
Бадиий ижод ва тасвир	6-17
«Кеча ва кундуз» романида ўхшатиш	18-40
Адабиёт	41

Мусаххих:

А.Мухсимов

Компьютерда терувчи
ва саҳифаловчи:
Ризограф бўйича
мутахассис

У. Сатторова

Теришга берилди
Босишига руҳсат этилди 20.11.2011.
Бичими 1/16. босма табоғи
Услубий қўлланма босилди.

Қайдлар учун

Ф.ф.н. доц. З.Т. Тоҳировнинг «Бадиий ижодда тасвир»
ўқув – услубий қўлланмасига

ТАҚРИЗ

Услубий қўлланма бадиий матн таҳлили бўйича журналистика факультети, шунингдек филология факультети бакалавриантлари ва магистрантлари учун мўлжаланган. Муаллиф матн таҳлили бўйича назарий фикрларини бадиий асаддан олинган мисоллар ёрдамида асослаб беради. Бакалавриантлар ва магистрантлар бадиий матнни таҳлил қилишнинг усулларидан бири билан яқиндан танишади. Мазкур ўқув- услубий қўлланма «Адабий таҳрир» ва «Адабий тил услубияти» дан дарс ўтишда профессор - ўқитувчиларга қўлланма бўла олади.

Ўқув – услубий қўлланма бадиий ижод билан қизиқувчи барча амалиётчи филолог ва журналистлар учун ҳам фойдадан холи эмас.

Ўқув – услубий қўлланма жуда зарур ва долзарлик касб этади.

Уни нашрга тавсия этаман.

В. Каримжонова
ф.ф.н. доц.

Ф.ф.н. доц. З.Т. Тоҳировнинг «Бадиий ижодда тасвир»
ўқув – услубий қўлланмасига

ТАҚРИЗ

Журналистика факультети «Услубият ва таҳрир» кафедрасининг
дленти З.Т. Тоҳировнинг «Бадиий ижодда тасвир» номли ўқув –
услубий қўлланмаси журналистика факультети «Ноширлик иши ва
таҳрир» ихтисослиги бўйича 1-2 – босқич магистрантларига
мўлжалланган. Ундан «Муаллиф ижод лабораторияси», «Ёзувчи ижод
лабораторияси» ва «Матн таҳлили ва таҳрири» курсларини ўтишда
фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қўлланмада бадиий матн таҳлили
усулларига, яъни бадиий матн тузишда қандай воситалардан
фойдаланишлик хусусида сўз боради ва у йўриқнома вазифасини ҳам
ўтайди.

Ўқув- услубий қўлланмадан филология факультети бакалавриант
ва магистрантлари, соҳа мутаҳассислари ва умуман матн таҳлили ва
таҳрири Билан шуғулланувчи амалиётчи журналистлар
фойдаланишлари мумкин.

Қўлланма бугунги кун журналистика ва филология таълими ҳамда
матн таҳрири билан шуғулланувчи мутаҳассислар учун керак.

ф.ф.н. доц. Л.И. Тошмухамедова